

Мусхафи шарифни тавоф қилиш ва ўпиш мумкинми?

21:46 / 25.04.2016 2958

САВОЛ: Мусхафи шарифни тавоф қилиш ва ўпиш мумкинми? Агар тушириб юборсак, нима қилишимиз керак?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Мусхафи шарифни ўпиш ҳақида имом Аҳмад ибн Ҳанбалдан сўралганда: «Бу ҳақда бирор нарса эшитмадим», деганлар. Саҳобалардан Икрима ибн Абу Жаҳл розияллоҳу анҳунинг Мусхафи шарифни очганида унга юзини қўйиб: «Роббимнинг каломи! Роббимнинг каломи!» дейишлари ривоят қилинган.

Бу саволга Кувайтда Фатво ҳайъати қуйидаги жавобни берган: «Бу иш Мусхафни эҳтиром қилиш кўринишларидан биридир. Уни бидъат ёки суннат дейилмайди. Қилса ҳам ҳечқиси йўқ, қилмаса ҳам». Валлоҳу аълам.